2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

4 (554)

2007 йил 24 январь

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оксоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
«Олтин қалам» учун беллашув
Баландпарвоз темирқанот лочинлар

3
Бахтлитепага бир борсангиз...
Ўғил қўлидаги тиғ отага санчилди

4
Уста Анвар, сизга тасанно!
Тош дарахтнинг ёши қанча?

Фарғона вилояти

МИНТАҚАВИЙ ЎҚУВ-СЕМИНАР

Фарғона политехника институтида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида давра суҳбати шаклида ўн кунлик минтақавий ўқув-семинар бўлиб ўтди. Уч йилдан бери ўтказиб келинаётган мазкур минтақавий семинарлар ҳокимият раҳбарларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда билим ҳамда малакасини ошириш ва мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўқув машғулоти Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги "Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиздир" мавзудаги маърузасининг видеотасвирини намойиш қилиш билан бошланди. Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикаси демократияни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида", Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги қарорларида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш хусусида ва бошқа мавзулардаги маърузалар тингланди. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов ушбу ўқув машғулотида "Туман ва шаҳарларда ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга оширишда маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бизнес вакиллари ҳамкорлигининг қонуний асослари ва уни ривожлантириш имкониятлари" мавзусида маруза қилди.

Шунингдек, мазкур семинарда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар ва янгиланишлар, ташқи сиёсат, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар, миллий хавфсизликни таъминлаш каби қўплаб масалалар хусусида ҳам маърузалар тингланди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

— Яна нима дейсиз?
— Аллоҳга шукр, шу юрт фуқаросимиз, шу юрт ҳимоясидамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

"Ижтимоий ҳимоя йили"

Давлат дастури тўғрисида

2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагиларни кўзда тутувчи "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишга, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

"Меҳрибонлик" уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, "Сен ёлғиз эмассан" мақсадли вазифасини ҳаётга аниқ татбиқ этиш;

аҳолининг ночор қатламлари — муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалда жорий этиш;

жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва "Соғлом она – соғлом фарзанд" ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш, жумладан, мактабларнинг юқори синфлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари ёшлари ўртасида тушунтириш ишлари ва факультатив машғулотлар ўтказиш;

ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини, шунингдек, умуман ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш даражасини ошириш;

ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг касб маҳорати ҳамда маънавий ўсишини моддий ва ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишни ва спорт билан шуғулланишини ташкил қилиш, ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини тайёрлаш ва амалга ошириш;

фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, муҳтожларга беғараз ёрдам бериш.

2. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 декабрдаги Ф-2632-сонли Фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш бўйича 2-иловага мувофиқ таркибда Кенгаш ташкил этилсин.

3. Республика комиссияси ва "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Кенгаш (Ш.Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир идора, аҳоли пункти, туман, шаҳар ва минтақа бўйича "Ижтимоий ҳимоя йили" ҳудудий ва тармоқ дастурларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласинлар;

республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандлари тўлиқ ҳамда сўзсиз бажарилиши бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этсинлар, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсинлар;

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури билан тасдиқланган топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот тақдим этиб турсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссияларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобласин, улар зиммасига Дастур тадбирларининг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши устидан ҳар ойлик мониторинг ва қатъий назорат олиб бориш вазифаси юклансин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари жамиятда эзгулик ва меҳрибонлик муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда "Ижтимоий ҳимоя йили"нинг мақсадлари ва аҳамиятини кенг қўламда тушунтириш, тадбирларнинг амалга оширилишини, шу жумладан давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият органлари, ижтимоий ва нодавлат хайрия ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, шунингдек, айрим фуқаролар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоалари қўшаётган аниқ ҳиссани мунтазам ёритиб боришни таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
2007 йил 23 январь

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ташкил этилганига 15 йил тўлди

ПАРВОЗИНГИЗ ЮКСАК БЎЛАВЕРСИН

...Самолёт самога парвоз қилиш учун учиш йўли томон аста бурилди. Ўзбекистон миллий байроғи акс этган улкан пўлат қуш бир неча сониядан сўнг осмони фалакка кўтарилди. Лайнер баландликка катта тезликда кўтарилса-да, яна бир қанча вақт унинг ёнбошидаги "UZBEKISTON" деган дилга яқин ёзув қуёш шуъласида ярқираб турди...

Давоми 2-саҳифада

Шукроналик: муборак сафар таассуротлари

ЭЪТИҚОДГА ЭҲТИРОМ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Ислом динининг энг муқаддас фарзларидан бири — муборак ҳаж зиёратини ихтиёр этган юртдошларимиз учун зарур барча шарт-шароитлар яратиб берилаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Якунланган 2006 йилда ҳам муборак зиёратни юрагига туккан юртдошларимиз учун яна бир имконият яратиб берилди. Яратганга шукроналар бўлсинки, шундай бахтга эришган юртдошларимиз орасида борлигимдан беҳад мамнунман.

Бутун дунёдан келган мусулмонлар қатори биз ўзбекистонлик зиёратчилар ҳам Байтуллоҳни тавоф этдик. Тилимиз, ирқимиз ва миллатимиздан қатъи назар, тўлиқ маънодаги тенг ҳуқуқли, ислом динига эътиқод қилишга мушарраф бўлган инсонлар эканлигимизни қалбдан ҳис қилдик. Мадинаи Мунавварадаги Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг Масжидул Харамларида, Маккаи Мукаррамадаги Масжидул Шарифда ўқиган дуоларимизда юртимизда тинчлик, барқарорлик, осойишталик бўлишини сўрадик.

Ўз навбатида ҳаж амалларини бажаришда яратилган шароитлардан ҳам беҳад қувондик. Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ходимлари бу йилги ҳаж зиёратига астойдил тайёргарлик кўришган экан. Мадина шаҳрида ҳам, Маккада ҳам ўзбекистонлик ҳожилар барча шароитлар яратилган меҳмонхоналарга жойлаштирилди.

Ўзбекистондан келган ошпазлар бизга ҳар куни ўзбек ошхонасини эслатиб туришди.

Ҳожиларнинг саломатлигига алоҳида эътибор берилди. Тажрибали тиббиёт ходимларидан иборат гуруҳ кечаю кундуз саломатлигимизни муҳофаза қилиб турди. Муҳтарам Президентимизнинг шахсан топшириқларига асосан 22 миллион сўмлик дори-дармон келтирилганлиги ҳожилар саломатлиги тўғрисидаги ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаймизки, ўзбекистонлик ҳожиларнинг уюшган ҳолда ҳаж зиёратига келиши бевосита Давлатимиз раҳбари ҳамда республика ҳукумати ғамхўрликлари билан амалга оширилаяпти. Бошқа бирорта ҳам мусулмон мамлакатида ҳаж сафарига келувчи фуқароларга нисбатан бундай эътибор ва эҳтиром кўрсатилганлигини кўрмадик ва эшитмадик.

"Ўзбекистонда диний бағрикенглик йўқ" деб аюҳаннос солаётган ғарблик жанобларга айтадиган гапимиз шу: қачонгача оқни-қора, қоранироқ дейсиз?! Сизнинг мамлакатингиздан не-не азоблар чекиб, ҳаж зиёратига келган мусулмон биродарларнинг шу кунга, шу зиёратга етгунча чеккан азоблари, аламли дил фарёдлари ҳали-ҳамон кўз ўнгимизда. Диний бағрикенглик нималигини ўзингиз тушунмайсиз-у, яна бизга тош отасиз, сафсатабозлик қилиб, неларнидир ўргатмоқчи, уқдирмоқчи бўласиз. Ахир Ўзбекистон аталмиш мамлакатимизда барча динларга тенг эътибор берилаётганлигини ва буни дунёнинг соғлом фикрли барча кишилари эътироф этаётганликларини кўрмаслик, эшитмаслик, билмаслик мумкинми?! Зотан, Республикамиз Конституциясининг 31-моддасида "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди" — деб белгилаб қўйилган.

Аллоҳнинг иноятн билан бу йилги ҳаж сафарида бўлганлар етти ҳаж даражасини берувчи Ҳожиакбар бўлиб, ўз Ватанларига соғ-омон қайтишди.

Беҳбуд ЖУМАЕВ,
"Маҳалла" жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси.

"Энг намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловида

ФАОЛИЯТДА БИР-БИРИДАН ЎЗГАН НОЗИРЛАР

Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда "Энг намунали милиция таянч пункти" деб номланган республика миқёсидаги кўрик-танлов ўтказиб келинмоқда. Ушбу анъанавий кўрик-танлов маҳаллаларимизда осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги илғор тажрибаларни оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни кунда бу кўрик-танловнинг вилоятлар, ҚҚР ва Тошкент шаҳри бўйича ғолиблари аниқланиб, республика босқичига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Масалан, Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани Гагарин номли шаҳарчадаги Дўстлик маҳалласи ҳудудида жойлашган милиция таянч пункти кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолиби, деб топилди.

— Ҳудудда профилактик ишларни режалаштириш ва амалга оширишда маҳалла посбонлари кўмагига суянамиз, — дейди ушбу милиция таянч пунктининг профилактика катта инспектори Ширинбой Болиқулов. — Қолаверса, маҳалла йиғини раиси, фаоллари билан ҳам тўй-маъракаларни тўғри ташкил этиш, нотинч оилалар, тарбияси оғир болалар билан ишлашда яқиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Бу ҳамкорлик ўз самарасини бериб, тўғри йил давомида маҳалла ҳудудида биронта ҳам ҳуқуқбузарлик ҳолати қайд этилгани йўқ.

"Энг намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринга Жиззах шаҳридаги Зилол маҳалласи милиция таянч пункти, учинчи ўринга эса Зарбдор туманидаги Янгикент қишлоқ фуқаролар йиғинидаги милиция таянч пункти муносиб, деб топилди.

Жумладан, кўрик-танловнинг Тошкент шаҳри ғолиблари ҳам аниқланди. Учтепа туманидаги Журжоний номли маҳаллада жойланган 13-милиция таянч пункти пойтахт ғолиби бўлди.

Журжоний номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтинур Саидов шундай фикр билдирди:

— Кейинги йилларда милиция таянч пункти нозирларининг фаолияти сезиларли тарзда қизғинлашди. Қайси маҳаллага борманг, нозирларнинг ҳудуддаги турли ташкилотлар, йиғин ходимлари, таълим-тарбия масканлари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиб, жонкуярликда ишлаётганини кўрасиз. Милиция таянч пункти нозирлари маҳалланинг кундалик ҳаётида тартибни, осойишталикни сақлашда том таънода йиғинларнинг таянчига айланган. Бунда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, мана шу кўрик-танловнинг анъанавий тарзда ўтказилаётгани ҳам нозирларни фаолиятда янада фаол бўлишга ундаётгани шубҳасиз.

Шайхонтоҳур туманидаги Чақар маҳалласи ҳамда Собир Раҳимов номли тумандаги А.Абдуқаюмов номли маҳалла милиция таянч пунктлари иккинчи ва учинчи ўринга сазовор бўлди.

Яқин кунларда ушбу кўрик-танловнинг республика босқичи ғолиблари ҳам аниқланиб, ғолибларни тақдирлаш тадбири ўтказилади.

МУХБИРИМИЗ

Мустақиллик одимлари

100 ФОИЗ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТБОП БЎЛАДИ

Мамлакатимизда юзлаб қўшма корхоналар ишлаб турибди. Кечаги кунда улар ўз маҳсулотларининг 10-15 фоизини четга чиқарган бўлсалар, эндиликда 80-90, ҳатто юз фоизини ҳам хорижга жўнатаяптилар.

Шаҳрисабздаги "Оқсарой-Тўқимачи" Ўзбекистон—Туркия—Япония қўшма корхонаси ўтган йили ўнлаб хорижий мамлакатларга 4000 тонна ип-калава, 980 тонна газлама жўнатди. Бу тайёрланган маҳсулотнинг 98 фоизи экспорт қилинди, деган сўздир. Натижада корхона 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорида соф фойда олди.

— Бу йил олдимизда янада катта вазифа турибди, — дейди корхонанинг Ўзбекистон томонидан директори Зайниддин Боқиев. — 5205 тонна юқори сифатли ип-калава ва трикотаж матоси ишлаб чиқариб, маҳсулотни 100 фоиз экспорт қилишни мўлжаллаганмиз. Янги йилнинг биринчи куниданоқ бутун имконият ана шу мақсадга қаратилмоқда.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Бухоро вилояти

Ғиждувондаги Қўрғон маҳалласини ҳунармандлар маҳалласи деб аташади. Бу ерда истиқомат қиладиган 630 та оиланинг ҳар бири ҳунармандчиликнинг у ёки бу тури билан шуғулланишади.

"ШАРОФАТ КЎПРИГИ" ШАРОФАТИ

— Шу сабабдан маҳалламизда бекорчи кишини учратмайсиз. Ҳамма ўзининг касб-кори билан банд, — дейди маҳалла йиғини раиси Шарофат Бафоева. — Энг ширин ва хуштаъм қандолат, кўзни қувонтиралиган зардўзлик ва каштачилик, бежирим кулолчилик, бир-бирини такрорламайдиган дурадгорлик маҳсулотларининг бари-барини бизнинг маҳалламиздан топасиз.

Энг қувонарлиси эса, ҳунармандлар маҳалланинг энг яқин кўмакчилари ҳисобланишади. Улар маҳалланинг ҳар қандай ташкилотчилик ишига "лаббай" деб жавоб беришади. Кейинги йилларда маҳаллада амалга оширилган хайрли тадбирларнинг барчасида ҳунармандларнинг сезиларли ҳиссаси бор.

Жумладан, маҳаллага ўз уй-жойларини жорий таъмирлаш ва қайта қуришни сўраб мурожаат қилган Бибиш Норова, Турсун Салаева, Ирина Заведова, Валентина Санникова сингари кам таъминланган ҳамда якка-ёлғиз фуқароларнинг илтимослари бевосита ҳунармандлар кўмаги билан амалга оширилди. Маҳалланинг янгидан қуриб фойдаланишга топширилган биноси ва мажлислар зали ҳам ҳашар йўли билан ҳунармандлар ёрдамида қурилди. Шунингдек, маҳалла ташаббуси билан Ғиждувон тумани марказини қўшни Навоий вилояти билан боғловчи Пирмаст ариғи устига ўрнатилган замонавий кўприк қурилишида ҳам ҳунармандлар улуши сезиларли бўлди. Бугун ғиждувонликлар бу кўприкни маҳалла раиси номи билан боғлаб, "Шарофат кўприги" деб аташади.

Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларни, якка-ёлғиз ва ногирон фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, ишсизликни камайтириш борасида ҳам маҳалла фаоллари ҳунармандларга суянади. Тоҳир Ҳакимов, Анвар Каримов, Муҳаммад Бақоев, Алишер Нарзуллаев, Нусрат Раҳимов, Меҳриддин Ортиқов сингари тадбиркору ҳунармандларнинг маҳалла фаолларига кўрсатаётган беминнат ҳимматлари мақтаса арзигулик бўлаяпти.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ташкил этилганига 15 йил тўлди

ПАРВОЗИНГИЗ ЮКСАК БЎЛАВЕРСИН

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Бизнесмен дўстим Владимир Новиков билан аэропортда ушбу манзарани кузатдик ва самолёт булутлар орасида ғойиб бўлгач, у менга шундай деди:

— Биласанми, мен иш юзасидан хорижий мамлакатларга тез-тез бориб тураман. Дунёнинг барча жойларидан минг-минглаб йўловчилар келадиган турли аэропортлар ва аэровокзалларда миллий авиакомпаниямизнинг Ўзбекистон рамзи ва эмблемаси туширилган замонавий самолётлари учиш майдонида виқор билан турганини кўраман. Бундай пайтларда вужудимни Ватанимиз Ўзбекистон билан фахрланиш туйғулари чулғаб олади. Шунда "Мамлакатимиз авиакомпанияси ҳам дунёда суверен Ўзбекистонни муносиб намоён этмоқда. Бу ҳам мустақиллигимизнинг яна бир неъматидир", деган ўй хаёлимдан кечади.

Мустақилликка эришганимизга 15 йил бўлди, бу тарих нуқтаи назаридан, албатта унчалик катта муддат эмас. Аммо биргина "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси эришган ютуқларни эътиборга оладиган бўлсак, ўтган вақт ичида кўп ишлар қилинди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1992 йил 28 январда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисидаги фармонни имзолади ва у миллий авиаташувчи мақомини олди. Мамлакатимиз ИКАО — Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Миллий авиакомпаниямиз эса Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси — ИАТАда рўйхатдан ўтди.

Шундан буён ўтган вақт мобайнида миллий авиакомпаниямиз қитъаларнинг етакчи авиаташувчилари қаторига қўшилди. Ўзбекистон ҳаво лайнерлари дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳрига парвоз қилмоқда. 24 мамлакатда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" компаниясининг ваколатхоналари очилган, ўнлаб компания ва фирмалар у билан ҳамкорлик қилмоқда. Ҳар куни ўнлаб рейслар амалга оширилмоқда, бир йилда 2 миллионга яқин йўловчи ташилмоқда.

Авиакомпания ташкил этилган пайтда унинг паркини 1970-1980 йилларда ишлаб чиқарилган анчайин эскирган самолётлар ташкил этарди. Уларга кўп ёқилғи сарфланар, йўловчилар учун яратилган қулайликлар ҳам талаб даражасида эмасди. Шубҳасиз, ҳаво кемалари паркини тубдан янгиламасдан туриб дунё авиаташувчилар бозоридан жой олиш қийин эди.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан Республика фуқаролик авиацияси ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилди. Унда самолёт паркини модернизация қилиш, Ғарбда ишлаб чиқарилган лайнерларга техник хизмат кўрсатиш бўйича замонавий база ташкил этиш, ер усти инфратузилмасини ривожлантириш, парвозларни бошқариш тизимини тубдан реконструкция қилиш, ўзимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш кўзда тутилган эди.

Авиакомпания хорижий кредитларни жалб қилиш эвазига самолёт паркини модернизация қилди. Бугун миллий авиакомпанияда 16 та замонавий ҳаво кемаси бор. Булар Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқарилган "Боинг-767-300 ER" ва "Боинг-757-200", Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган "А-310" ва "RJ-85" самолётларидир. Улар хорижий мамлакатларга юк ва йўловчи ташишларнинг деярли ҳаммаси, республика ичида эса рейсларнинг бир қисмини амалга оширмоқда. Ҳозир уларнинг сафига "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилган ўрта масофага учувчи "Ил-114-100" ва "Ил-76" юк самолётлари ҳам қўшилди. Шу тариқа тижорат мақсадларида юк ва йўловчи ташиш ҳажми билан парвозлар олислиги ўртасидаги мутаносибликка, ёқилғидан самарали фойдаланишга, қулайлик ва хавфсизликка эришилди.

Янги турдаги самолётлардан фойдаланиш ер устидаги техник базани янгилашни талаб этди. Ҳукумат дастурига мувофиқ пойтахтимиз ва қатор вилоят марказларидаги аэропортлар тўлиқ модернизация қилинди. "Тошкент" аэропортидан ташқари, миллий авиакомпания таркибига кирадиган 12 та аэропортдан мамлакатимизнинг сайёҳлик марказларида жойлашган "Самарқанд", "Бухоро", "Урганч" ва "Термиз" аэропортлари халқаро мақомга эга бўлди. Бу аэропортларнинг учиш-қўниш йўллари ва терминаллари реконструкция қилинганидан сўнг барча турдаги замонавий авиалайнерларни қабул қилиш имконияти яратилди.

"Тошкент" Марказий Осиёдаги энг йирик аэропорт ҳисобланади. Мамлакатимизда халқаро йўловчи ташишнинг қарийб 90 фоизи мазкур аэропорт орқали амалга оширилади. У ИКАО андозаларига тўла мувофиқ тарзда таъмирланган. Аэропортни замонавий техника билан жиҳозлаш давом этмоқда. Унинг транзит залида йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича модернизация ишлари бошланди.

Республикамиздаги мавжуд аэропортлар тармоғи мамлакатимиз ичида тезкор ҳаво қатнови, шунингдек, уларнинг хорижий давлатлар билан алоқасини таъминлайдиган давлат транспорт инфратузилмасининг муҳим қисми саналади.

Парвозлар хавфсизлиги ва мураккаб авиация техникасидан фойдаланиш халқаро талаблари парвозларни бошқаришнинг энг янги тизимини ташкил этишни тақозо қилади. Замонавий фуқаро авиациясининг ушбу зарур таркибий қисми ҳам тўлиқ янгилашга муҳтож эди.

1996 йилнинг декабрида қисқа вақт ичида "Тошкент" халқаро аэропортида Парвозларни бошқаришнинг автоматлаштирилган маркази ишга туширилди. Марказ мутахассислари Франциянинг Руан ва Париж шаҳарларида "Томсон" фирмаси базасида тайёргарликдан ўтди. Ҳозир энг замонавий диспетчерлик ва навигация тизимлари билан жиҳозланган ушбу корхона барча халқаро талабларга мос келади. "Ўзаэронавигация" маркази Ўзбекистоннинг ҳаво кенглигида самолётлар ҳаракатини бошқариш, янги ҳаво йўлларини очиш имконини беради. Йўлдош алоқа тизими эса нафақат Ўзбекистон, балки қўшни давлатлар ҳаво кенглигидаги вазиятни кузатишга имкон яратади. Парвозлар хавфсизлиги ҳам анча ошди.

Айни пайтда Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказининг ташкил этилиши яна бир муҳим қадам бўлди. Дунёда бундай самолётларга эга авиакомпаниялар С-4-Check ёки IL-Checkни амалга ошириш учун ("Боинг"ларни ҳар 72 ой ва "А-310" самолётларини эса ҳар 60 ойда капитал таъмирлаш) одатда, ушбу йўналишда ихтисослаштирилган компания ва фирмаларга мурожаат қилади. Дастлаб миллий авиакомпаниямиз лайнерларига ҳам "Lufthansa Technik" компаниясида ана шундай техник хизмат кўрсатилар эди.

1998 йилнинг октябридан техник хизмат кўрсатиш маркази Тошкент авиатаъмирлаш заводи ва миллий авиакомпаниянинг авиация-техник комплекси мутахассисларининг биргаликдаги саъй-ҳаракати туфайли "А-310", 1999 йилдан буён "Боинг-767" ва "RJ-85", 2000 йилдан бошлаб эса "Боинг-757" самолётларига техник хизмат кўрсатиб келмоқда.

2002 йилда Тошкентдаги 243-авиатаъмирлаш заводи "Uzbekistan Airways Tehcnics" авиация корхонасига айлантирилди. Ғарбда ишлаб чиқарилган авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш маркази эса унинг асосий таркибий қисмига айланди. Бу йирик авиакорхона Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қатор ваколатли миллий, Европа ва халқаро ташкилотлар сертификатлари билан тасдиқланган ҳуқуқни қўлга киритди.

"Uzbekistan Airways Tehcnics" корхонаси миллий авиакомпаниянинг барча турдаги ҳаво кемаларга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ эҳтиёжини тўлиқ таъминлайди, валюта харажатларини камайтириб, экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради. У МДҲ, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари авиакомпанияларининг ҳам Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларига техник хизмат кўрсатмоқда. Буюртмачиларни бу ердаги юқори савияда техник хизмат кўрсатиш, муддатларга қатъий риоя қилиш, мослашувчан нарх сиёсати ўзига жалб қилмоқда.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" замонавий самолётлар билан таъминлангани, парвозлар хавфсизлиги, авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш даражаси бўйича МДҲда энг яхши компаниялардан бири ҳисобланиши бежиз эмас. Унинг кўплаб мукофотларга сазовор бўлгани ҳам буни исботлайди. 1997 йилда авиакомпаниямиз Халқаро авиация хавфсизлиги жамғармасининг "Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги буюк хизматлари учун" нуфузли дипломи билан тақдирланди. 2000 йилда эса ушбу жамғарманинг парвозлар хавфсизлиги учун фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Москвада ўтказилган 26-халқаро конференцияда "Тошкент" аэропорти 2003 йилнинг энг яхши аэропорти деб топилди. "Самарқанд" аэропорти ҳам ўз номинациясида шундай номга сазовор бўлди. 2005 йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Жаҳон хавфсизлик жамғармаси президентининг "Парвозлар хавфсизлиги соҳасидаги ютуқлари учун" фахрий дипломи ва "Боинг" компаниясининг ушбу турдаги самолётлардан 10 йил мобайнида фойдаланиш борасида қўлга киритилган "Парвозлар хавфсизлиги ва ишончлилигининг юқори кўрсаткичлари учун" эсдалик нишонига сазовор бўлди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" бошқа авиакомпаниялардан фарқли ўлароқ, нафақат кенг кўламли авиация хизматларини кўрсатиш, балки аэропортлар мажмуини бошқаришга ҳам ихтисослашган. Унинг учувчи, муҳандис-техниклари, ҳаракат хизмати ходимлари АҚШ ва Европа фуқаро авиациясининг етакчи марказларида назарий ҳамда амалий тайёргарликдан ўтган. Бугунги кунда халқаро сертификатга эга Тошкент ўқув-машғулот маркази ҳам шундай марказлар сирасига киради. Бу ерда ходимларни ўқитиш жараёнида ўз вазифаларини бекамикўст бажариш кўникмаларига эга бўлиш ва амалий тажриба ортгириш имконини берадиган компьютер ўқув дастурлари ва машқ тренажёрларидан фойдаланилади.

Истеъмолчилар талабларини тўлиқ таъминлаш ҳар қандай авиакомпаниянинг устувор вазифаларидан биридир. Миллий авиакомпаниямиз йўловчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатишни кафолатлайди. Ўтган йили "Ўзбекистон ҳаво йўллари"ни 2010 йилгача ривожлантириш бўйича махсус комплекс режа қабул қилинди. Йўловчилар учун қулайликлар даражаси ва парвозлар хавфсизлигини оширишга қаратилган кенг кўламли таклиф ҳамда хизматларни амалга ошириш мўлжалланган. Масалан, 2008 йил бошида электрон тўлов хизматларидан фойдаланган ҳолда, чипта сотиб олишнинг янги тизимини жорий этиш режалаштирилмоқда. Энди Ўзбекистонда авиачипталарни Интернет орқали сотиб олиш имконияти пайдо бўлади.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тяннинг айтишича, авиакомпания ҳаво флотини унификация қилиш ва ҳаво кемалари турлари сонини камайтириш борасида иш олиб бормоқда. Эски самолётлардан деярли фойдаланилмаяпти. "Ан-24" ва "Як-40" самолётлари ўзимизда ишлаб чиқарилган янги "Ил-114-100" лайнерлари билан аста-секин тўлиқ алмаштирилади. Республикамиз раҳбарияти авиакомпаниянинг яна 10 та ўрта масофага парвоз қиладиган самолёт сотиб олиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади. Бу лайнерларни дунёда иккита етакчи "Боинг" ва "Эйрбас" компаниялари ишлаб чиқаради. Бу борада етказиб бериш бўйича энг яхши шартларни таклиф этадиган ва янги машиналардан фойдаланишни тўлиқ таъминлайдиган компания самолётлари танланади.

Халқаро авиаташувлар бозорида рақобат кун сайин кучайиб бормоқда. Бу бозорда авиапаркини ўз вақтида янгилаб, энг янги фойдаланиш тизимларини жорий этадиган, йўловчилар хавфсизлиги ва уларга хизмат кўрсатиш даражасини оширадиган, ўз фаолиятини кенгайтирадиган авиакомпанияларгина муносиб ўрин эгаллайди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ҳам айнан шу йўналишда ҳаракат қилишга интилмоқда. Бу борада кўпгина шаҳар ва мамлакатларга парвозлар амалга оширилмоқда, янги йўналишлар очилмоқда. 2006 йилда Ўзбекистон авиакомпанияси Урумчи (Хитой) ва Лахорга (Покистон) авиақатновларни йўлга қўйди. Бошқа рейсларни очиш масалалари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Мисол учун, жорий йилда Тошкент-Милан йўналиши бўйича парвозларни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

2006 йил якунлари йўловчи ва юк ташиш суръати ўсганлигини кўрсатди. Ўтган йили 1 миллион 700 мингга яқин йўловчи ташилди. Бу эса 2005 йилга нисбатан 1,6 фоиз кўп. 19,4 минг тонна ёқилғи ёки 13,7 миллион доллар тежаб қолинди. Бундай кўрсаткичга эски самолётларни фойдаланишдан олиб ташлаш ва уларни тежамкор техника билан алмаштириш туфайли эришилди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси 15 йил мобайнида катта ривожланиш йўлини босиб ўтди ва ишонч билан олға ҳаракат қилмоқда. Бугун авиакомпанияда қарийб 14 минг киши, олтмиш миллат вакиллари меҳнат қилмоқда. Улар фуқаро авиациясининг мураккаб кўп тармоқли мажмуи бир маромда ва ишончли фаолият юритиши учун сидқидилдан ишламоқда.

Олдинда янги марралар турибди. Албатта, бу борада қийинчиликлар ҳам бўлади, аммо улар бардош билан енгиб ўтилади ва шубҳасиз, қўлга киритилган муваффақиятлар янги ютуқлар сари интилишга чорлайди. Кўп минг кишилик авиакомпания жамоаси олдида эса самолёт паркини янада яхшилаш, янги йўналишларни ўзлаштириш, миллий авиакомпания рейсларига янада кўпроқ йўловчиларни жалб этиш ҳамда парвозлар хавфсизлигини ошириш билан боғлиқ мураккаб вазифалар турибди.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Сарҳаддаги йиғинлар

Андижон вилояти

ЧЕГАРАДАГИ МАҲАЛЛАДА: ҲАММАЁҚ ТИНЧ

Булоқбоши тумани Қирғизистон Республикаси билан ўттиз километр масофада чегарадош ҳисобланади. Шундан ўн тўрт километри текислик, қолгани тоғлик ва қияликлардан иборат. Ана шу ҳудудда 5 та — Қашқа, Сарвонтепа, Ширмонбулоқ, Қақир, Бозорбоши маҳаллалари жойлашган.

Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини, турмуш осойишталигини таъминлаш мақсадида бу ҳудудларда режали равишда ишлар олиб борилмоқда. Жойларда ушбу йўналишлар бўйича жамоатчилик кенгашлари тузилган бўлиб, уларга маҳалла ҳудудида жойлашган ташкилот, корхона, муассаса ходимлари, ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар жалб этилган. Шунингдек, ҳар бир маҳалла ҳудудида маҳалла посбони жамоатчилик тузилмаси аъзолари навбатчилик қилишмоқда. Уларга армия хизматидан қайтган, жисмоний ва маънавий соғлом йигитлар ёрдам беришмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, гарчи булоқбошиликлар вилоятнинг нисбатан чекка ҳудудида яшасалар-да, уларнинг турмушини фаровон этиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи фуқаролар йиғинлари, маҳаллий ҳокимликларнинг диққат-марказида. Жумладан, вилоятда йўлга қўйилган "Ўн оилага — бир ҳомий" шиори остидаги хайрли ташаббусга қўшилиб, тумандаги 20 минг оилага ҳомийлар бириктирилган. Улар ҳозирда ҳудудда яшовчи эҳтиёжманд оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқдалар. Шунингдек, чегара ҳудудидаги маҳаллаларда аҳолига тинч меҳнат шароитини яратиш, уларнинг турмуш осойишталигини таъминлашда ҳукуматимиз қарори билан берилаётган имтиёзли кредитларнинг аҳамияти катта. Ўтган йилда туманда аҳолини иш билан таъминлаш учун қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича 250 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу кредитлар маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган махсус комиссиялар тавсиясига асосан кам таъминланган, кўп болали оилаларга берилди. Жорий йилнинг март ойида ҳам 49 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, кам даромадли оилаларга тарқатилди. Халқ банки, "Пахтабанк" туман бўлимлари ҳам ўз ресурсларидан чорвачилик билан шуғулланувчи фуқароларга ўн тўрт фоизли имтиёзли кредитлар беришди. Натижада ишсиз фуқаролар қўшимча иш билан таъминландилар.

Президентимиз Қарори асосида туманда яшовчи 235 та оиланинг бепул қорамоллар билан таъминлангани ҳам бу йўлдаги хайрли ишлар давомидир. Бу орқали кўплаб фуқаролар ишли бўлди. Уларга меҳнат дафтарчалари юритилди. Бинобарин, ўн бир оилага 300 бош парранда берилди.

— Кам даромадли оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, коммунал тўловлардан бўлган қарздорликни камайтириш мақсадида жорий йилнинг 18 октябрида туманимизда хатлов ўтказилганди, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Булоқбоши тумани бўлинмаси раиси Иброҳимжон Йўлдошев. — Хатлов жараёнида коммунал тўловларни тўлай олмаган кам даромадли, якка-ёлғиз оилалар аниқланди. Туман ҳокимлиги ҳамда бўлинмамиз ташаббуси билан ўтказилган "Саховат" хайрия марафонига ташкилот раҳбарлари, тадбиркорлар, фермерлар таклиф қилиниб, улар кўмагида ушбу муҳтож оилаларга моддий ёрдам ажратилди. Биз ҳисобимизга тушган маблағларни коммунал тўловларни тўлай олмаган хонадонларга ёрдам тариқасида ажратдик.

Ҳа, Булоқбошида эл корига ярайдиган инсонлар кўп. Энг асосийси, фермер маҳаллани, маҳалла тадбиркорни, тадбиркор эса аҳолини қўллаб-қувватлар экан, бундай ҳамжиҳатлик фаровон турмушимиз пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилаверади.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

Шайхонтоҳур туманидаги Самарқанд дарвоза маҳалласи юртимиздаги қадимий гўшалардан бири ҳисобланади. Айтишларича, ушбу маҳаллага буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амур Темур асос солган экан.

Айни пайтга келиб ҳам Самарқанд дарвоза маҳалласи истиқлол ислоҳотларига монанд равишда янги ва гўзал қиёфа касб этган. Ҳудуддаги обод ва сариштa хонадонлар, замонавий иншоотларни кўриб, маҳаллага бош-қош бўлиб келаётган оқсоқолу фаоллар ишига тасанно дейсиз. Айниқса, ташландиқ ер ўрнида бунёд этилган кўркам гузар маҳалла ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

СУРАТДА: *маҳалла оқсоқоли Зуҳриддин Самиғжонов йиғин ходимлари билан.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Савдо ярмаркаси

Хоразм вилояти

МАҲСУЛОТИМИЗНИ ПОЙТАХТДА СОТДИК...

Яқинда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган "Фарҳод деҳқон бозори" ҳудудида Хоразм вилоятидан 28 та юк машинасида келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг савдо ярмаркаси ташкил этилди.

Мазкур ярмаркада биз ҳам ўз хўжалигимизда етиштирилган 20 тонна гуруч, 5 тонна қовун-тарвуз, 110 минг дона тухум маҳсулотларини сотишга муваффақ бўлдик. Бу кўрсаткич биргина бизнинг хўжалигимиз мисолида, холос.

Ярмаркада фермерлар савдодан тушган маблағнинг бир қисмини хайрли ишларга сарфладилар. Улар пойтахтдаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар, қаровчисиз қолган қарияларга дастурхон тузаб, совға-саломлар улашишди.

Мадиёр САЪДУЛЛАЕВ,
Хива туманидаги "Боғу бўстон" фермер хўжалиги раиси.

Фарғона вилояти

Оқсоқолни нима ўйлантиради?

НАФАҚАГА МУҲТОЖМИСИЗ, МАРҲАМАТ, АММО...

Маълумотларда қайд этилишича, Ўзбекистон ҳозирда Ҳамдўстлик Мамлакатлари орасида аҳолиси учун ижтимоий ҳимоя масалаларини асосий вазифа сифатида ўз олдига қўйиб, уни энг мукаммал тарзда амалга ошириб келаётган мамлакат ҳисобланади.

Ҳозирги даврда мамлакатимиз фуқаролари учун давлатимиз томонидан, Президентимизнинг алоҳида эътибори сифатида кўплаб ижтимоий нафақалар берилиши йўлга қўйилган. Республикамиз Президенти томонидан 2007 йил — "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши ва ижтимоий кўмакларнинг турлари, миқдорлари ортиши ҳақида қабул қилинаётган қарорлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдам нафақалари ҳамда вояга етмаган болалари бор оилалар учун 16-18 ёшгача нафақалар кенг кўламда берилиб келинмоқда. Мазкур нафақалар оилаларнинг даромадларини ўрганувчи Махсус комиссиялар хулосасига асосан, ижтимоий адолат қоидаларига амал қилган ҳолда ҳамда ошкораликни таъминлаган ҳолда маҳалла вакиллари қарори билан тайинланади. Шунингдек, бундай ёрдамга эҳтиёжи бор оилалар учун Юртбошимиз таклиф ва ташаббуслари билан ҳомийлар кўмаги ҳам уюштирилмоқдаки, бундай ҳолатни бошқа юртларда деярли учратмайсиз. Бу ишларга йиғинимиз доирасида бош-қош бўлганлигим учун мазкур ҳолатни эътироф этаяпман.

Лекин инсон табиати тушуниб бўлмас бир хилқатдирки, юқоридаги нафақаларни ўзига тўқ, моддий ва мулкий ҳолатлари етарли бўлган оилалар ҳам талаб қилиш ҳоллари кузатилмоқда, айнан ушбу оилаларнинг атрофидаги муҳтож хонадонларга моддий кўмак кўрсатишга имкониятлари етарли, аслида. Мана шундай оилаларга нафақа тайинлаш мумкин эмаслигини тушунтирсангиз, давлатимиз томонидан ажратилган ижтимоий маблағларни олишга ҳақли эканликларини ва тегишли ҳужжатларни илова қилаётганликларини рўкач қиладилар. Аммо ҳар бир фуқаронинг виждонига ҳавола, муҳтож оилалар учун ажратилган маблағларни қалбаки даромадлар акс эттирилган ҳужжатлар эвазига талаб қилиш бу қонунга, ҳатто — шариатимиз қоидаларига ҳам хилофдир.

Азиз Ватандошлар, халқимиз азалдан меҳнатсевар, саховатпеша, бағрикенг ва назари тўқ халқ ҳисобланади, ҳар биримиз виждон амрига бўйсуниб яшайлик.

Ф.КОДИРОВ,
Фарғона вилояти Қува тумани Ғалаба фуқаролар йиғини раиси.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Журналистика соҳасида "Олтин қалам"

II миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндошувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" халқаро танловини ўтказади.

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказиладиган бу танловга 2006 йилнинг 31 мартидан 2007 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва Интернет саҳифаларида берилган материаллар 2007 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1 -, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1-, 2-, 3- ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

— **журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;**
— **фаол фуқаролик позицияси учун;**
— **ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;**
— **ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;**
— **ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши материал учун;**
— **энг яхши журналистик текширув учун;**
— **мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;**
— **энг яхши режиссёрлик иши учун;**
— **йилнинг энг яхши дебюти учун;**
— **энг яхши фоторепортаж учун;**
— **энг яхши карикатура учун;**
— **чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.**

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда Интернетда эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва Интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— **муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;**
— **муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;**
— **паспорт нусхаси.**

Танлов ғолибларини мукофотлаш 2007 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри-100129, Навоий кўчаси, 30-уй.
3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: 144-64-62; 144-64-61; 144-37-87; Факс: 144-69-65

E-mail: ijod@ sarkor.uz
www.journalist.uz

Самарқанд вилояти

ЗАРБАНДни СЕВГАН ҲОМИЙЛАР

Оқтоғ ирмоқларидан ҳосил бўладиган Зарбанд сойи маҳалламиз ҳудудидан оқиб ўтади. Ана шу сой ҳудуддаги қишлоқларни иккига ажратиб туради.

Айниқса, баҳор серёғин келган йиллари сой суви қўпайиб, маҳалланинг Кўланка қишлоғига ўтиш қийинлашар эди. Ушбу қишлоқда яшовчи Тиркаш Турсуновнинг саъй-ҳаракати билан сойга қувур ўрнатилиб, бетонлангач, йўловчиларнинг ўтиб-қайтиши учун имконият яратилди. Маҳалламиз ҳудудини Самарқанд — Нурота автомагистрали билан боғловчи 1974 йилда қурилган 14 километр узунликдаги асфальт йўлда ўйдим-чуқурлар ҳосил бўлиши транспорт қатновини анча қийинлаштириб қўйган эди. Бешбола маҳалласидан Қозоқбой Тошбоев деган фидойи инсон ташаббуси билан "Зарбанд", "МП-мрамор", "АЁН" корхоналари ҳомийлигида йўлни тузатиш ишлари бажарилди. Яна шу кишининг ташаббуси билан Бешбола маҳалласининг газлаштирилмаган қисмини ҳамда Зарбанд маҳалласини газлаштириш тараддуди кўрилмоқда.

Убайдулла ТУРДИЕВ,
Иштихон тумани Зарбанд маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ЙИЛ ДАСТУРИ — ЭРТАНИНГ ТАШВИШИ

Тошкент вилояти

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Ижтимоий ҳимоя йили" деб номланган жорий 2007 йилда фуқаролар йиғинлари фаолиятида йил номи билан боғлиқ қандай мақсад-вазифалар устувор бўлади? "Маҳалла" жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими раиси Комилжон ШОДИМЕТОВ билан шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб инсонларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти. Хусусан, юртимизда ижтимоий ҳимоя сиёсати бир дақиқа ҳам эътиборимиздан четда қолмаганига амин бўламиз.

Шу ўринда "Маҳалла"жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими фаолияти мисолида ҳам фикримга ойдинлик киритишим мумкин. Айтиш жоизки, жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда туман, шаҳар бўлинмалари томонидан ўтган 2006 йилда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Вилоятимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишларга биргина "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими ва бўлинмалари томонидан 171,4 миллион сўм пул маблағи сарфланди.

Демак, аён бўладики, давлатимизда ва жамиятимизда ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламига имкон доирасида ғамхўрлик кўрсатиб келинаяпти.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий ҳимоя масаласида давлат ва ҳокимият ташкилотлари, алоқадор идора ва муассасалар маълум режа ва дастурлар асосида иш юритади. Бу борада бизда етарли тажриба ва кўникма ҳам шаклланган. Бироқ кўзланган мақсадларимиз шулар билан чегараланмайди. Негаки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда жамоатчиликнинг — жамиятнинг фаол иштирокини таъминлашимиз лозим.

Тўғри, кейинги йилларда аҳоли ўртасида меҳр-оқибат туйғулари, саховатпешалик, ҳомийлик анъаналари жонланмоқда. Аммо кўпчиликнинг қалбан хайрли ишларга бош қўшиши, бунинг мазмун-моҳиятини англаб етиши учун маълум маънода фаолларнинг ҳаракати зарур. Жорий йилимизнинг ўтган йилларнинг мантиқий давоми ўлароқ "Ижтимоий ҳимоя йили" деб номланиши боиси ҳам шунда, деб ўйлайман.

— Комилжон ака, жамиятни сиз айтган ана шу эзгу ишларга кимлар даъват қилиши керак?

— Албатта, жамият, жамоат фаоллари-да. Ахир бежизга маҳаллалар фаолиятини ривожлантиришга эътибор қаратилаяптими?! Бир-бири билан жанжаллашган қўни-қўшнини, беиттифоқ эр-хотинни, безори ўсмирларни ёмон йўлдан қайтарган маҳалла-кўй одамларни хайрли ишга чорлашга ҳам қодир. Кундалик ҳаётимизда бунинг амалий тасдиғини кўриб-билиб ҳам турибмиз. Ёнгинамизда якка-ёлғиз кекса, ногирон ёки касалманд оила ёрдамга муҳтож бўлиб қолса-ю, биз 10-15 минг сўмлик дори-дармон, озиқ-овқат ёки икки оғиз ширин сўзни "давлат берар" деб унга бепарво бўлсак, инсофданми?! Шу боис, маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилари ва фаоллари бугун аҳоли орасига тарғиботчилик фаолияти орқали янада чуқурроқ кириб боришлари жоиз. Негаки, ижтимоий ҳимоя — маҳалла идорасига муҳтожликдан бош уриб келган фуқарога ёрдам кўрсатиш дегани эмас. Қолаверса, 2-3 нафар боласи билан бева қолган жувон маҳалла-кўйдан кўмак сўрашга андиша қилса-чи?!

Демак, маҳалла мутасаддилари эл манфаатларини таъминлаш учун кўпроқ эл орасида бўлишлари жоиз. Бинобарин, айни пайтда фуқаролар йиғинлари қошида турли номдаги, турли йўналишдаги маъмурий комиссиялар фаолияти йўлга қўйилган. Улар шунчаки расмиятчилик учун иш юритмаслиги керак. Зарур бўлса, "Маҳалла" жамғармасининг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари бундай комиссияларга услубий жиҳатдан кўмак бериши, йўл-йўриқ кўрсатиш ишини жонлантириши лозим. Шу билан бирга Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, **ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган оилалар ва одамларнинг барчасига бир кўз билан қарамасдан, балки ҳар бир тоифанинг ўзига хос қийинчилиги ва дарди, ғаму ташвишларини яқиндан ўрганиб, бу эҳтиёжларни қондиришга қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз керак.**

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳимоянинг асл моҳияти шундай. Чунки касалманд инсоннинг дори-дармонга, қаровчиси бўлмаган кишининг меҳр-мурувватга, фарзандларини ўқитиш учун қўли калталик қилаётган оиланинг кийим-кечак, дафтар-китобга кўпроқ эҳтиёжи бўлади. Шу боис, маҳалла мутасаддилари даставвал ўз ҳудудида яшовчи оиланинг ижтимоий аҳволини тўла-тўкис ўрганиб, сўнг масалага ечим топиши даркор. Ёки тасаввур қилинг: оила бошлиғи ишсиз. Шу боис, у рўзғор тебратишга ожизлик қилаяпти. Хўш, бу ҳолда 3-4 нафар ҳомийни жалб қилиб, унинг оиласига озиқ-овқат, кийим-кечак хайрия тариқасида ҳадя этилса, эртага ана шу хонадоннинг моддий аҳволи ўнгланишига кафолат борми? Аксинча, ана шу оила бошлиғи ёки бошқа аъзоларига мос иш таклиф этилса-чи? Ёки, масалан, имтиёзли кредит олишга кўмаклашилса-чи? Ушбу мулоҳазаларимиздан аён бўладики, ижтимоий ҳимоя сиёсати муҳтож инсон учун кўнгилдан чиқариб ажратиладиган бир луқмагина ошнон эмас, балки эртанги кун фаровонлиги учун хизмат қиладиган муҳим имконият, имтиёз бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ҳа, 2007 йил ҳам ўтган йилларнинг мантиқий давоми бўлиб, давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати замирида аҳолининг кучли ижтимоий ҳимояси ётганлигини англатади. Албатта, бу мамлакатимизда ижтимоий адолат тамойиллари барқарорлиги йўлида қўйилган яна бир муҳим қадамдир.

Шунингдек, "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури ишлаб чиқилиб, ундаги устувор вазифаларнинг ижро учун ҳаётга татбиқ этилиши билан ҳар бир соҳа вакиллари зиммасидаги масъулият янада ортади. Айниқса, жорий йилда бажарилиши кўзда тутилган муҳим ишлар ижросида маҳаллаларнинг иштироки беқиёс бўлиши, табиий. Зеро, юртдошларимизни баҳамжиҳатликда эзгу ишларга жалб қиладиган бу жамоавий тузилма фаолияти ушбу йилда янги босқичга кўтарилиб, азалий анъана ва қадриятларимизни янада кенгроқ ва таъсирчанроқ намоён этиши даркор.

Фаррух БЎТАЕВ суҳбатлашди.

Юртимиз бозорлари

Самарқанд вилояти

САВДОГА МОС, ХАРИДГА СОЗ

Ургутнинг "Янги буюм бозори" айниқса, касаначилар учун катта имкониятлар яратаяпти

Ургут тумани азалдан ўзининг машҳур ҳунармандлари билан етти иқлимга донг таратган. Айни пайтда ҳам бу ерлик одамлар ҳунармандчиликни аввало кўп асрлик анъана сифатида қадрласалар, ўз навбатида бу рўзғор тебратишнинг муҳим манбаи ҳам ҳисобланади. Президентимизнинг жойларда касаначиликни ривожлантиришга қаратилган Фармони айнан шу соҳа тараққиётига туртки бўлди.

Тумандаги "Тонг КЗИ", "Саховат" МЧЖ ва "Ургут тўқимачилик" каби йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида тузилган шартномалар туфайли Ургутда 6 мингга яқин янги иш ўринлари яратилгани фикримиз тасдиғи. Бу борада туман ҳокимлиги ва тумандаги "Янги буюм бозори" масъулияти чекланган жамияти ҳам таҳсинга лойиқ ишларни амалга оширмоқда.

— "Янги буюм бозори" 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 38.700 квадрат метр ер майдонига эга, — дейди бозор бошқаруви раиси Дилшод Ҳамидов. — Бу ердаги саккизта асосий савдо растасида 1758 та савдо ўрни мавжуд. Шундан 248 таси турғун савдо дўконлари, 29 таси умумий овқатланиш шахобчаларидир. 2004 йилда тадбиркорлар ҳомийлиги ҳамда маҳалла аҳли кўмагида "Гусс" савдо растаси қайта таъмирланиб, янги қурилган 183 та савдо дўконлари фойдаланишга топширилди.

Дарҳақиқат, бир-икки йил аввал ушбу бозорга ташриф буюрган киши ободончилик, бунёдкорлик борасидаги бугунги ўзгаришларни кўриб лол қолса ажабмас. Жумладан, ўтган йилнинг иккинчи ярмида бозорнинг "Айлана" савдо растасида қурилиш-таъмирлаш ишлари қисман тугатилиб, 612 та янги савдо ўринлари яратилди. "Улгуржи" савдо растасидаги 510 ўринли жойни эса ҳашар йўли билан қайта таъмирлаш ишлари бошланган. Айни кунда ушбу растанинг айвони ёпилган. Шунингдек, ҳадемай туман ҳокимлиги қарори асосида ажратилган 0,55 гектар ерда янги савдо маркази қурилиши якунланади.

Бундан ташқари, бозорни сув билан таъминлаш мақсадида 800 метр узунликдаги сув қувурлари қайта таъмирланиб, 14 та нуқтага ичимлик суви учун жўмраклар ҳамда 7 та нуқтага ёнғинга қарши сув чиқариш мосламалари ўрнатилган. Расталар оралиғидаги 780 кв. метр жойга бетон плиталар ётқизилиб, тадбиркорларга қулайлик яратилди. Навоий номли шоҳкўча ва бозор ҳудудини ажратиб турувчи 487 метр жой темир панжаралар билан ўралиб, ажратилган 1 гектарлик қўшимча ерда автомобиллар тўхташ жойи қурилмоқда.

— Биз ҳунармандларга етарлича шарт-шароит яратиб бераётгани учун бозор маъмуриятидан миннатдормиз, — дейди Юқори Қалангар маҳалласида яшовчи зардўз Башорат опа Холиқова. — Ўттиз йилдан буён ана шу ҳунар билан шуғулланаман. Тайёрлаган маҳсулотларимни шу бозорда сотаман. Аввалларида бундай шароит йўқ эди. Энди эса расталар тоза, озода, кенг. Маҳалламиздаги 30 дан зиёд ёш қизлар шогирд тушиб, зардўзлик сирларини ўрганишаяпти. Улар билан бирга тиккан ўн беш хилдан зиёд келин-куёв либослари, зартўн, дўппилар "Янги буюм бозори" расталарида харидоргир бўлаяпти.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.
СУРАТДА: *бозор фаолиятидан лавҳа.*

Ушбу мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ—24-сонли «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини амалга ошириш жараёни мониторинги».

Фаолиятдаги фаоллик

Сурхондарё вилояти

Шўрчи вилоятдаги саноати ривожланган туманлардан бири ҳисобланади. Туманда кейинги йилларда пахта тозалаш, уй-жой анжомлари ва мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ғаллани қайта ишлаш каби йирик заводлар қаторида яна ўнлаб кичик хусусий корхоналар ҳам бунёд этилди. Натижада мулкдорлар сафи кенгайиб, ишсизлик муаммоси бартараф этилаяпти. Хусусан, сўнгги икки йил мобайнида Шўрчида 850 ишчи ўрни яратилгани фикримиз исботи.

Бахтлитепалик БАХТЛИ одамлар

улар эл-юрт ташвишида яшаётган маҳалла жонкуярларидан миннатдор

Ишбилармонлар ва тадбиркорлар маҳалла оқсоқоллари билан ҳамфикр, маслакдош. Сўнгги уч йилда йигирмадан ортиқ маҳаллаларда шинам гузарлар қурилди, уларда юздан ортиқ ҳунармандлар иш бошлади. Бундай хайрли ишнинг ташкилотчиси саховатпеша фермерлар, ҳиммати баланд тадбиркорлар бўлди.

Бахтлитепа қишлоқ фуқаролар йиғинига Жўра Холмўминов бошчилик қилиб келмоқда. У қарийб йигирма йилдан буён йиғин раиси сифатида қишлоқ одамлари ғам-ташвиши билан яшайди. Жўра ака Саксонкапа, Какан, Мингжар аҳоли қўрғонларини газлаштириш чораларини кўрди. Беш километр узунликда қувур тортилгач, 250 хўжаликда "зангори олов" ёнди. Мингжар қишлоқ йўлининг уч километрига, Саксонкапа қишлоғидаги тўртта ички кўчага шағал ётқизилди. Маҳаллада ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида учта артезиан қудуқ қайта таъмирланди.

Дарвоқе, айни пайтда қишлоқ йиғини идораси кўшқаватли бинодан жой олган. Ушбу бинонинг қурилишига ҳам ташкилотчи оқсоқол Ж.Холмўминов бош-қош бўлган эди.

Шайдулло Убаев раислик қиладиган Бахшитепа маҳалласи юз фоиз ичимлик суви, 98 фоиз табиий газ билан таъминланган. Маҳалладаги хўжаликлар сафи янги оилалар ҳисобидан кенгайиб бормоқда. Ўтган икки ярим йил ичида эллик хўжаликка томорқа ерлари берилди.

Бахшитепа-1 маҳалласида ҳам аҳолининг намунали турмуш кечириши учун барча имкониятлар яратилган. Гузардаги бичиш-тикиш корхонасида ўндан ортиқ қишлоқ аёллари ишламоқда. Пойафзалларни таъмирлаш, сартарошхона, олтита савдо дўкони, чойхона, халқаро сўзлашув шахобчаси аҳоли хизматида.

Гузардаги кутубхона, айниқса, ёш-ўғил қизларнинг гавжум гўшасига айланган. Тадбиркор Исроил Шукуров маҳалланинг ички кўчасидан 1,5 километрини таъмирлаб берди. 1,7 километр масофада табиий газ қувурлари тортишга моддий ёрдам кўрсатди.

Какан маҳалласида эса кўпгина ишлар халқ кучи билан амалга оширилмоқда. Маҳалла йиғини жойлашган идора биноси ҳашар йўли билан қурилди. Иккита артезиан қудуқ таъмирланди, Бойқишлоқда тортилган бир километрлик газ қувури 75 хўжаликнинг "зангори олов"га бўлган эҳтиёжини қондирди.

Сажарон қишлоғида ариқ қазилиб, оқар сув келтирилди. Олтита кўприк созланиб, қишлоқ врачлик пункти биноси тубдан таъмирланди. Бу хайрли ишларга маҳалла раиси Исроил Одинаев бош-қош бўлди.

Туманда Абдуҳамид Каримов, Бахтиёр Усмонов, Ҳасан Алланазаров, Холбўта Қурбонов, Ҳушбоқ Каримов, Чори Жўраев, Хўшбоқ Очилдиев сингари оқсоқоллар эл ишига камарбаста. Ҳашарлар уюштирилаётганлиги туфайли қўрғонлар обод, кўркам. Ҳудудда минглаб туп арча кўчатлари ўстирилмоқда.

Серғайрат маҳалласида табиий газ учун 2,5 километр масофага янги тармоқ тортиш, саккизта артезиан қудуқ, бешта трансформаторни тузатиш ишлари ҳашар йўли билан ниҳоясига етказилди.

Шўрчи қишлоқ фуқаролар йиғинига Чори Чоршанбиев раислик қилади. Йиғин ўрамидаги маҳалла оқсоқоллари Ортиқ Лолаев, Гулбой Юсупов, Абдужаббор Имомов, Жума Мирзақобилов, Бозор Поёнов, Маматхон Жўраевлар унинг суянган тоғлари, ҳамдард, ҳамкор кишилари.

Қишлоқ йиғинида 17 минг 400 нафар аҳоли ҳаёт кечиради. Кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 87 та фермер хўжалиги, 43 нафар тадбиркор борини эл билан баҳам кўраяпти.

Бугун Шўрчи маҳаллаларида ҳаёт завқи ўзгача, бунёдкорлик иши авжи паллада. Бу юрт ободлиги, турмуш фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган маҳалла оқсоқолларию ҳомий-тадбиркорлар саъй-ҳаракатлари самарасидир.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

ҲАФТАСИГА БИТТАДАН МАШИНА

Бразилиялик Азеред Нунис Менезис ҳам жуда омадли экан. Унга уч ҳафта ичида учта автомобиль ютуққа чиқди.

Менезис биринчи марта ишхонасининг олдидаги дўкончадан 6 та лоторея сотиб олганди. Улардан бирига "Фиат Уно" автомобили ютуққа чиқди. Икки ҳафтадан сўнг яна ўша жойдан 6 та лоторея сотиб олди. Буни қарангки, бу сафар ҳам ютуқсиз қолмади. Фақат энди "Фиат Уно" эмас, "Фольксваген"га эга бўлди. Икки кун ўтгач, яна 4 та лоторея сотиб олди ва яна омади кулиб боқди. Ютуққа "Фиат" чиқди.

ҚАБРИСТОНДАГИ КЎЛАНКА

Швециянинг Люкселе шаҳрида яшовчи аҳоли қабристонга боришдан анчагача чўчиб юрди. Чунки у ерда қандайдир "Динонинг руҳи" жойлашиб олибди деган миш-мишлар юрарди.

Кўпчилик ҳатто ўша руҳнинг "Мен Диноман" деган ҳирилдоқ овозини ҳам эшитган. Бу жумбоқ кутилмаганда ечилди: бир дайди ит қабристондаги катта дарахт остида узоқ вақт каттик вовуллаб туравверган. Шунда унинг шохлари орасидан тўтиқуш учиб чиққан. Бу Дино лақабли тўтиқуш ўз эгасиникидан қочиб кетиб, қабристондан бошпана топган экан.

ҲУКМ ЖОЙИ ЎҒИРЛАНДИ

Ҳиндистон штатларидан бирида йирик олиб-сотар қўлга тушди.

Маҳаллий ҳукумат уни шаҳар майдонидаги машҳур "Шармандалар симёғочи"га боғлаб қўйиш ҳақида ҳукм чиқарди. Уни ижро этиш вақти келганда, ҳамма хайрон бўлиб қолди — майдондаги симёғоч ўғирлаб кетилганди.

Ҳаётдан олмасанг сабоқ

ЎЗИГА ЧОҲ, ОИЛАСИГА ЭСА ҒАМ-ҚАЙҒУ

Бу одамнинг бу ҳаётда қилган иши шу бўлди

...У яна уйига гандираклаб кириб келди. Оёғидаги ботинкасини зўрға ечиб, дуч келган томонга улоқтирди. Отанинг одатдаги важоҳатини кўрган болалар дир-дир қалтираб, онасининг пинжига киришди. Каттароқ фарзандлар эса отасини юпатмоқчи бўлиб, балога қолдилар. Гурзидай мушти билан "сийлади" ота уларни. Она чидаб туролмади.

— Қўйинг, отаси, — деди. — Ахир болаларда нима гуноҳ? Тинч-хотиржам ўтирган кунимиз йўқ. Яна ичиб келибсиз?

— Жим бўл, падарингга лаънат! Ичсам сенинг пулингга ичмадим. Ўзим топдим — ўзим ичдим.

— Ахир мени бўлмаса, болаларингизни, уларнинг келажагини ўйланг. Сизнинг дастингиздан маҳалла-кўйда бош кўтара олмайдиган бўлиб қолдик-ку!

— Нима? Яна менга сўз уқтирадиган бўлдингми? Ҳе, сени туққан...

— Ота-онамга тил теккизманг! Сиздай одамга мени бир умр боғлаб қўйишгани учун улардан миннатдор бўлиш ўрнига таъна тоши отманг!

— Сен ҳали мендан яхшироғини кўзлаганмидинг? Балки топгандирсан ҳам-а? Шошмай тур, мен сенга ҳам, ота-онангга ҳам кўрсатиб қўяман!

Жамолиддин умр йўлдоши Муяссарнинг дуч келган жойига тепкилаб, аёвсиз муштлай кетди. Болаларининг "Қўйинг, ойимга тегманг! Жон отажон!" деган ялиниб-ёлворишлари қулоғига кирмади. Аксинча, баттар қутириб, хотинини бўға бошлади. Катта ўғил Муҳаммад бунга чидай олмади, отасига ёпишди. Бироқ кучи етмади. Ота ўғлини даст кўтариб, даҳлиз томон улоқтирди. Яна хотинини бўға бошлади. Муҳаммад онасининг ранг-рўйи тобора оқариб бораётганини кўрди-ю, отасига гап-сўз кор қилмаслиги, на ўзи, на укалари онасини ўлим чангалидан ажратиб олишга кучи етмаслигини тушуниб, ошхона томон югурди. Ўткир пичоқни олиб, отасининг танасига санчди. Отанинг қўллари беихтиёр онанинг бўғзидан тушиб, ўзи кесилган теракдек ерга йиқилди. Жанжалдан хабар топган қўни-қўшнилар етиб келишганида Жамолиддиннинг жони узилган эди.

Хива туманидаги Оқёп қишлоғи ҳудудидаги Паҳлавон Маҳмуд деҳқон фермерлар уюшмасининг 1-бўлимида содир бўлган бу воқеадан кўплар таажжубланди: наҳотки фарзанд ўз отасининг қотилига айланса? Ота ўз пушти камаридан бўлган фарзанддан тиғ еса? Бу оила аҳволини яхши биладиганлар эса ҳамма айб Жамолиддиннинг ўзида эканлигини дангал айтишди. Жамолиддин Самандаров мунтазам равишда ичкиликка берилиб, турмуш ўртоғи Муяссар Ҳасановани ва вояга етмаган фарзандларини ҳуда-беҳуда уриб-сўкиб, "Сенларни ўлдираман!" дея қўрқитиб, ҳаловатини йўқотиб келган.

— Жамолиддиннинг бу юришини неча марта маҳаллада муҳокама қилдик, тартибга чақирдик. Барибир ўз билганидан қолмади, — дейди Оқёп қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қадамбой Отамуродов афсус билан. — Мана, охир-оқибат у ўз ўлимига ўзи сабабчи бўлди.

Б.ҚАЛОНОВ чизган расм.

Хуллас, ота қотили Муҳаммад Самандаровнинг иши судгача бориб етмади. Тергов, суриштирув, текширишлар жараёнида онаси ва ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ўлим билан боғлиқ воқеа содир қилганлиги очиқ-ойдин аён бўлди. Унинг вояга етмаганлиги ҳам ҳисобга олинди. Қолаверса, марҳумнинг қандай хулқ-атвор эгаси эканлиги элга ҳам яхши маълум эди.

Аммо бу билан боланинг айбсизлиги исботланди холос. Унинг қалбини бир умр қийнагувчи фожеа тафсилоти эса йўқолмайди.

Эркабой ЮСУПОВ,
Хива тумани ИИБ бошлиғи, подполковник.
Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сўранг, жавоб берамиз

Савол:

ҚИЗЧАНИ ҚАРАМОҒИМГА ОЛСАМ...

Синглим вафот этиб, 10 ёшли қизи отаси (синглимнинг эри) билан қолди. Рўзғор ишларининг ҳаммаси жиянимнинг бўйнида. Бунинг устига, отаси ичиб келиб, уни хўрлаб, калтаклаганини кўп кўраман. Қизни уйимизга олиб кетай десам, отаси "Қиз меники, уни қандай тарбиялашни ўзим биламан!" қабилида жавоб қилади.

Жияним (қиз)нинг бехавотир яшашини таъминлашим учун қандай ҳуқуқий асосларим бор?

Жавоб:

...УНДА МЕРОСХЎРЛИК ҲУҚУҚИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 79-моддасида жумладан қуйидаги бандлар қайд этилган:

Ота-она (улардан бири) қуйидаги ҳолларда:

— ...ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

— муттасил ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса;

— ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Ушбу кодекснинг 83-моддасига кўра, суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб, болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналик ҳуқуқини чеклаши) мумкин.

Болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқалар) бола учун хавфли бўлса, ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади...

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги даъво боланинг яқин қариндошлари, вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти қонун билан зиммасига юклатилган органлар ва муассасалар, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари ва бошқа муассасалар, шунингдек прокурор томонидан тақдим этилиши мумкин...

Оила кодексининг 84-моддасига биноан, ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болага таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди, шунингдек бола турар-жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади ҳамда ота-она ва бошқа қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган мулкий ҳуқуқларини, шу жумладан мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Тошкент шаҳри

Бўлинма ташаббуси

"МАҲАЛЛА" МАДАДДАН ТОЛМАЙДИ

Республика "Маҳалла" жамғармаси, унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан ўтган йилда кўплаб кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ва яккаёлғиз қарияларга меҳр-мурувват кўрсатилди. Жорий йилда ҳам бундай хайрли ишлар давом этмоқда.

Бўлинмамиз томонидан Ижтимоий ҳимоя йилида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ва унга кўра, жойларда қатор тадбирлар ташкил қилинмоқда. Жумладан, яқинда Мирзо Улуғбек туманидаги 42 та маҳаллада уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар ва йиғин фаоллари иштирокида Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланди. Ф.Хўжаев, Алишер Навоий, М.Исмоилий номли ҳамда Аҳиллик, Яланғоч, Юзрабод, Гулзор маҳаллаларида яшовчи 270 нафар ўсмир-ёшлар ўртасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш мақсадида давра суҳбатлари уюштирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси ва "Марказий офицерлар уйи"да ҳам сержант ва офицерлар учун байрам тадбири ташкил этилди. Унда туман ҳокимлиги ҳамда бўлинмамиз томонидан ҳарбийларга эсдалик совғалари топширилди.

Ж.ШОҲАКИМОВ,
"Маҳалла" жамғармаси
Мирзо Улуғбек тумани бўлинмаси раиси.

Аждодлар ҳунарини эъзозлаб

УСТА АНВАР

Ўзининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган қадимий Самарқанд — меъморлар, уста бинокор, ганчкору наққошлар маскани. Бу ердан етишиб чиққан ва бутун Туркистон ўлкасига донғи кетган усталар Самарқанддаги қадимий обидаларни қуриш ва уларни таъмирлаш, пардозлашда ўз ҳиссаларини қўшиб келган.

Тажрибали меъмор Анвар Қулиев ҳам ота изидан бориб, унинг ҳунарини эъзозлаган моҳир санъаткорлардан биридир.

Устанинг отаси, машҳур меъмор, ганчкор ва бинокор уста, Давлат мукофоти лауреати Қули Жалилов бўлиб, 1890 йили Самарқандда устазодалар оиласида туғилган.

Унинг отаси уста Жалил, акаси уста Абдурашид, амакиси уста Абдумаликлар ўз даврининг истеъдодли, қўли гул усталаридан бўлишган. Уста Анварнинг отаси 1900-1915 йилларда Бухорода Амир мадрасасини, Самарқанд ва унинг атрофларида бир қанча иншоотларни қуришда, меъморий обидаларни таъмирлашда қатнашган. Регистондаги Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасаларини, Шаҳрисабздаги Оқсарой ва Кўкгумбаз, Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мажмуасини ҳамда Амир Темур мақбарасини таъмирлаш ва безашга ҳисса қўшган. Отасининг энг йирик ва муҳим ишлари Тошкентдаги Алишер Навоий номли театрнинг Самарқанд залини ва Муқимий номли театрнинг томоша залини ганч ўймакорлиги билан гўзал қилиб безаганлигидир. Бўлажак таниқли халқ устаси Анвар Қулиев ёшлигиданоқ отаси ва амакиси билан ёнма-ён туриб ишлади, кейинчалик ўзи мустақил ишлаб, меъморчилик, хусусан, ганчкорлик санъатининг сир-асрорини пухта ўрганиб олди.

Уста Анвар ўз маҳоратини янада ошириш мақсадида 1940-1941 йилларда Самарқандда бухоролик

машҳур меъмор, академик, Давлат мукофоти лауреати ганчкор уста Ширин Муродов раҳбарлигида ташкил этилган бинокорлик, ганчкорлик, кошинпазлик ва таъмирлаш ҳунарини ўрганиш мактабида сабоқ олди. Бу ерда А.Қулиев ўз касбдошлари билан Самарқанднинг нодир ёдгорликлари учун зарур бўлган сирли кошинлар тайёрлаш, ўймакорлик моделларини сифатли қилиб яратишда фаол қатнашди.

Шунингдек, у 1943 йилда Тошкентдаги Муқимий номли театр биносини қуришда республиканинг таниқли бинокор усталари билан ганчкорлик ва ўймакорлик ишларини моҳирлик билан санъаткорона намойиш қилди. Ушбу театр биносидаги ишлар тугагач, Анвар Қулиев 1947 йилда академик, машҳур меъмор А.Шчусев раҳбарлигида қурилаётган Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театри биносини қуришда отаси Қули Жалилов билан биргаликда қатнашди. Устанинг қўли билан моҳирона бажарилган Самарқанд залидаги ўймакорлик санъати ҳар бир томошабиннинг ҳавасини келтиради. Катта тажриба орттирган уста Анвар Қулиев ўзининг кейинги ижодини Республикамизнинг қадимий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабздаги ноёб ёдгорликларни таъмирлаш ва безашга бағишлади. Амир Темур мақбарасини, Шоҳи Зинда мажмуасини, Регистондаги Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасаларини таъмирлашда қатнашди. 1968-1969 йилларда уста Анвар ўз ҳамкасблари Иброҳим Шермуҳамедов, Тоҳир Жалолов, Мирумар Асадов, Исмат Ниғматов, Абдуғаффор Ҳаққуловлар билан биргаликда ноёб санъат обидаси ҳисобланган Тиллакори мадрасасини қайта тиклаб, унга "жон" бағишлади. Кейинги йилларда ҳам уста ота касбини эъзозлаб ва уни ривожлантириб, Регистон майдонида, Амир Темур Жоме масжиди ҳамда Шоҳи Зинда мажмуасидаги бунёдкорлик ишларида фаол қатнашиб, ганчкорлик ва ўймакорлик ишларини сифатли бажарди. Мана, 60 йилдан ошибдики, уста Анвар қўлида искана қалам — ганч ўяди, нова қалам билан пардоз беради, минқор билан заминини тозалайди. Ўрни келганда, штургардан олиб ганчдан гул ясайди.

Уста А.Қулиев Самарқанд ва Тошкентда қурилган йирик маъмурий ҳамда элчихона биноларини, маданият саройларини ҳам ганчкорлик ўйма нақшлар билан гўзал ва нафис қилиб безаган. А.Қулиевнинг халқ миллий меъморчилиги анъаналарини ривожлантириш, малакали бинокор шогирдлар тайёрлаш, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш йўлидаги таҳсинга сазовор меҳнати ҳамда халқ амалий санъати, хусусан, ганчкорлик ва ўймакорликни янги шакл ва мазмун билан ривожлантиришдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Уста Анвар Қулиев Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. У бир неча олий нишонлар соҳибидир.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунларда молиявий соҳада омадингиз чопиши мумкин. Кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларни ҳафта давомида ҳал қилишга ҳаракат қилинг.

СИГИР(22.04-20.05)
Ушбу ҳафтада ҳамкасбларингиз ҳамда оила аъзоларингиз билан муносабатда босиқроқ бўлинг. Жаҳл билан иш битмайди.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Тинимсиз қилган меҳнатларингиз ҳафта давомида ўз самарасини беради ва сиз муносиб рағбатланишингиз мумкин.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ҳафта давомида сезиларли ўзгаришлар бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам сабрлироқ бўлинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ҳафта мобайнида уй-рўзғор буюмларини харид қилишга шошилманг. Пайшанба куни узоқдаги қариндошларингиздан хушхабар эшитасиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Фақат ишингиз ҳақида ўйлашингиз шахсий ҳаётингизни издан чиқариб юбориши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ушбу ҳафтада бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олинг ва режа асосида иш юритишга одатланинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ҳафтанинг биринчи ярмида қизиқарли воқеанинг иштирокчисига айланишингиз мумкин. Дам олиш кунлари кўпроқ рўзғор ҳақида ўйлаганингиз маъқул.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Айни кунларда соғлиғингизга бефарқ бўлманг. Акс ҳолда режалаштирган юмушларингизни ортга суришга тўғри келиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Оиладаги келишмовчиликлар ўткинчидир. Шу боис тушкун кайфиятингиз билан атрофдагиларнинг ҳам кўнглини хира қилманг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ҳафта давомида фаолиятингизда баъзи муаммолар юзага келиши мумкин. Иродали бўлсангиз, уларни осонликча ҳал қила оласиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ҳаётингизни зерикарли ёки қизиқарли қилиш фақатгина ўзингизга боғлиқ. Шундай экан дам олиш кунларида маданий хордиқ чиқариш ҳақида ўйлаб кўринг.

Газетхон «Mahalla»нинг қандай бўлишини истайди?

"Mahalla"да турли мавзу ва йўналишдаги мақолалар, таҳлилий, танқидий ва мулоҳазага ундовчи материаллар эълон қилинар экан, бу жараёнда энг аввало газета муштарийлари талаб-истаклари, қизиқишлари инобатга олинади. Шу боис тахририятимизга келган ҳар бир мактуб билан батафсил танишамиз, мактуб эгасининг фикр-мулоҳазаларини, таклифу эътирозларини холис баҳолаб, бундан фаолиятимиз ривожи йўлида фойдаланамиз. Эътиборли томони шундаки, муштарийларимиз сони кўпая бориши билан газета тахририятига бўлган таклиф-истаклар битилган мактублар ҳам кўпаймоқда. Уларда "Mahalla"нинг янгича мазмун-мундарижа билан бойишини истовчи фаол муштарийларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини йўлламоқда.

Хоразм вилояти

Д.ҚУТЛИЕВА,
"Маҳалла" жамғармасининг
Хива тумани бўлинмаси раиси.

ХАЛҚЧИЛ БЎЛСА — ХАҚ СЎЗ БЎЛАДИ

"Mahalla" газетаси маҳалладошлар ҳаётига борган сари чуқурроқ кириб бораётганини эътироф этиш биз учун жуда қувончли... Хўш, бунинг боиси нима?

Айтиш жоизки, халқчиллик тамойили — халқни қизиқтирадиган, ўзига чорлайдиган ҳамда ихлосу ишончини мустаҳкамлайдиган энг муҳим омил. Назаримда, бугун "Mahalla" фаолиятида ана шу жиҳатлар бор.

Масалан, қайси бир нашр ичиликнинг саломатликка салбий таъсирини шифокор сўзи билан, яна баъзи нашрлар руҳшунос фикри орқали, яна айрим газеталар мухбир мулоҳазалари воситасида баён қилади. Жумладан, "Mahalla" газетасида жамиятдаги ҳар бир муаммога аксарият ҳолларда айнан ҳаётимиздан олинган жонли мисоллар орқали хулоса ясалади. Энг асосийси, зиёли ҳам, ишчи ҳам, оддий омма ҳам бундай мулоҳазаларни қийинчиликсиз тушуниши ва ҳазм қилиши мумкин. Ва ўйлайманки, бунинг самараси ҳам юқори бўлаяпти.

Таъкидлаш ўринлики, газетада, айниқса, ҳарбий ватанпарварлик мавзуси, тарихий меросга муносабат (бу борада Рашид Бойтиллаевнинг ижодий заҳмат ва меҳнатлари таҳсинга лойиқ) тўлақонли ёритилаётганлиги газетхонларнинг эътибор ва эътирофига сазовор бўлаяпти.

Газетадаги кўнгилочар материаллар ҳам ўз ўрнида ўқувчиларнинг истак-эҳтиёжларига мос. Ҳатто "Турфа олам" рукнидаги оламшумул ёки қизиқарли ҳодисалар, мунажжимлар башорати ҳам газета саҳифаларидаги ранг-барангликни таъминламоқда.

Шунингдек, "Mahalla"нинг қўламдорлигини ошириш ниятида айрим таклиф-мулоҳазаларимни ҳам айтиб ўтсам. Жумладан, **газета саҳифаларида фахрийлар минбари ташкил этилиб, унда бевосита тажрибали, кўпни кўрган, отахон ва онахонларнинг фикрлари, мулоҳазалари эълон қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бинобарин, "Саломатлик сирлари" рукнида турли дардларга дармон бўлувчи табиий неъматлар, табобат оламидаги янгиликлар ҳақида мақолалар эълон қилиниши ҳам муштарийлар қизиқишига сабаб бўлади. Ўз навбатида "Маҳалла" жамғармаси бўлим ва бўлинмалари, жойлардаги намунали фуқаролар йиғинлари иш тажрибаларини янада кенгроқ оммалаштириш, маҳалла — мактаб — оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида шу йўналишдаги мақолалар сонини кўпайтириш лозим,** деб ўйлайман.

МУНОСАБАТ:

Андижон вилояти

Умаржон АБДУЛЛАЕВ, муштарий.

"ТОВЛАМАЧИЛАР ТЕГИРМОНИГА СУВ ҚУЯЁТГАН КИМ?"

ФИРИБГАРГА ЙЎЛ ОЧГАН ХОМХАЁЛЛАР

Ҳа, мақолада эътироф этилганидек, фақат фирибгар эмас, унинг тегирмонига сув қуйганлар ҳам айбдор

Бугун республикамизда юзлаб номдаги газеталар чоп этилаяпти. Уларнинг ҳар бири ўз ўқувчиларига эга ва ана шу муштарийлар талаби газеталарнинг фаолиятини маълум маънода ривожлантиради, бойитади.

Мен ҳам фаол газетхонман. «Mahalla» газетаси билан танишиб бораман. Ахир фермер ҳам, шифокор ҳам, ҳуқуқшунос ҳам маҳаллада яшайди. Шундай экан, бугун маҳалла мавзуси, маҳалладошлар мавзуси ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди.

Янги йилда "Mahalla" саҳифаларида таҳлилий-танқидий материаллар, суд очерклари янада кўпроқ бериб борилишини истагандим. Мана, газетанинг ўтган сонида "Товламачилар тегирмонига сув қуяётган ким?" сарлавҳали мақолани катта қизиқиш билан ўқидим.

Энг эътиборли жиҳати, ушбу мақолалар жиноий иш тафсилотидан ёхуд уни содир этганларни қоралашга қаратилган бир ёқлама хулосалардан иборат эмас. Мақолада нафақат эр-хотин фирибгарлар ва уларнинг тузоғига илинган хомхаёл кишилар ҳақида, балки бутун бир жамиятга алоқадор муаммолар ҳақида фикр-мулоҳазалар акс этади.

Ахир "хорижга бориб, бел оғритмай пул топаман" деб турли хомхаёлларга берилиб юрган кимсалар юртимизда камми? Лақмалиги, соддалиги туфайли фирибгарларга алданиб, чув тушиб қолаётганлар-чи?

Демак, бугун жамоатчиликни огоҳ, ҳушёр туришга ундаш, қолаверса, ҳаётимиздан, турмушимиздан турли иллатларни сиқиб чиқаришда матбуот нашрларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Жумладан, "Mahalla" газетаси бу борада маҳалладошларга яқин кўмакчи бўлаяпти. Истардикки, севимли газетамиз ана шундай мақолаларни ҳар бир сонда эълон қилиб, газетхонлар қалбига йўл топаверсин.

Асака тумани Янгисор маҳалласи.

Ўтмиш илдизлари

ТОШга айланган ДАРАХТ

бу дунё тарихида оламшумул воқеа бўлиши мумкин

"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармасининг Хоразм вилояти Урганч шаҳар бўлинмаси музейи яна бир ноёб экспонатга эга бўлди. Бу тошга айланган дарахт бўлаги бўлиб, мутахассисларнинг фикрича, унинг ёши 100 минг йилдан миллион йилгача тенг бўлиши мумкин. Бироқ бу борада фақат лаборатория экспертизасидан сўнггина аниқ хулосага келинади.

Расман бу топилдиқ "Олтин мерос" жамғармаси томонидан уюштирилган экспедиция жараёнида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани ҳудудидаги қадимий Шилпиққалъа атрофидан топилган.

Вазни 200 килограммдан оғирроқ бўлган ушбу дарахт бўлагини чўл зонасидан олиб келиш бироз қийинчилик туғдираётган эди. Хоразм Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги арафасида маҳаллий йирик корхоналардан бири бу оламшумул воқеага дахлдор бўлиш истагида топилмани Урганчга олиб келишда катта ёрдам кўрсатди ва у ерда дастлабки тадқиқотлар ўтказилди.

Ўлкашуносларнинг тахминий сўзларига қараганда, бу топилма чинорнинг маҳаллий тури бўлмиш гужумнинг яхши сақланган бир ярим метрлик тана бўлаги. Геологик маълумотномаларда келтирилишича, бу каби топилмалар дунёда жуда кам учраб, уларнинг бир нечтаси Тошкент, Санкт-Петербург музейларида ва АҚШнинг Аризона университетида сақланади.

Ғаройиб ҳақиқат

ОЛТИ ЙИЛ СТУЛДА ЎТИРГАН ЖАСАД

Россиянинг Тула шаҳридаги 143-кўпқаватли уй хонадонларининг биридан топилган бу "топилма" одамларни даҳшатга солди: ўз хонадонида ўлиб қолган С.Лебеднёвнинг мўмиёга айланган жасади ...6 йилдан сўнг топилди.

С.Лебеднёв билан юз берган воқеани эшитган ҳар қандай асаби мустаҳкам кишининг ҳам азойи баданига муз югуради. Бундан олти йил муқаддам қиш кунларидан бирида у тамадди учун ошхонага чиқади. Ўшанда у бирон егулик тамадди қилганмиди ё йўқми — номаълум, лекин унинг шу тобда столга бошини қўйганча жон таслим қилгани аниқ. Жонсиз тана шу алфозда нақд 2000 куну тун қолиб кетган... Коммунал тўловлардан йиғилиб қолган катта миқдордаги қарзни ундириш учун келган хизматчилар қарздор эшикни очавермагач, участка нозири ва қўшнилар иштирокида эшикни буздилар. Улар ўзлари излаётган одамни унинг одатдаги либосида — ранги ўниқиб кетган катак кўйлагу уй шиппагида, лекин жонсиз, мумиёга айланган ҳолда топишди. Марҳумнинг танаси шу даражада қуриб кетганки, сал тегилса увалониб тўкилмоқда эди. Меҳмонхонадаги столда 2000 йил февралда чиққан газеталар сочилиб ётарди...

— Марҳум ҳеч кимга қўшилмай, ўзича яшар эди, — дейди ёнма-ён қўшни бўлмиш И.Бородина. — У кўринмай қолгач, яна қамалиб кетган бўлса керак, деб ўйладик. Чунки у аввал ҳам "ўтириб" чиққанди...

Бошқа қўшниларнинг гувоҳлик беришича, ўтган олти йил мобайнида С.Лебеднёв эшигини қоқувчилар кўп бўлган: почтачи оймаой пенсиясини келтирган ва қайтиб кетаверган, участка нозири ора-чора келган, марҳумнинг ўғли ва жияни ҳам бир неча марта келишган, лекин эшикни ҳеч ким очмагач... албатта, ҳамма ўз йўлига кетган.

Буни қарангки, келиб-кетувчиларни хонадон эшиги ичкаридан қулфлангани ҳам ҳеч шубҳага солмаган. Устига-устак, С.Лебеднёв олти йил давомида стулда ўлиб ўтирган ўша ошхонанинг чироғи ўчмаган, девор-дармиён қўшниларга ишлаб турган музлатгичнинг мотори товуши ҳам эшитилиб турган. Марҳум ўз ажали билан ўлган, деган хулосага келинди — унинг қуриб қолган танасида биронта эўравонлик аломатлари топилмади.

Агар уй-жой бошқармаси ходимлари томонидан коммунал тўловлардан катта қарзи бор хонадонларга махсус рейд уюштирилмаганида, бу бечоранинг мумиё-жасади икки хонали уйнинг ошхонасидаги курсичада ҳали қанча ... ўтирар эди — буниси номаълум!

Россиянинг "Аргументы и факты" ҳафталиги маълумотлари асосида тайёрланди.

Ушбу белги остида эълон қилинаётган мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фонди томонидан ажратилган грант лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Ҳурматли оқсоқолимиз Абдулҳақов Аҳаджон ака!
Сизни табаррук 60 ёшингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Сизга олиб бораётган барча савобли ва хайрли ишларингизда ривож тилаймиз. Оилавий бахт ва соғлик ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.
Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани Эски шаҳар маҳалласи фаоллари

Тошкент шаҳар Ўрта махсус милиция мактаби томонидан 1993 йил 24 августда Солиев Халим Ибрагимович номига берилган НТ № 778014 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Султонова Зулхумор Мардоновна номига 2006 йил 13 июлда берилган 11-00604 рақамли (реестр рақами 1101235) якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома фаолият тўхтатилганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

"NEFTGAZMONTAJ-QURUVCHI" МЧЖ га 2005 йил 5 июлда берилган 001315 рақамли (реестр рақами — 001315-08) юридик шахсни рўйхатга ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

СП ООО "ARTEXIM" переобразуется в ООО "ARTEXIM" и сообщает об уменьшении Уставного фонда с 210 000 долларов США до 43 500 000 сум.

Претензии принимаются в течении одного месяца со дня публикации. Тел: 398-81-15

Тошкент Молия институти томонидан 2006 йил 21 августда Ўринов Сардор Суярович номига берилган В N: 282218 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный гос.ордер о праве собственности на квартиру № 04-01/19106 выданный 28.06.1993 г. на имя Тураев Икрам Кадировичу считать недействительным.

Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги 133-мактаб томонидан 2004 йилда Юлдашева Нафиса Махсутовна номига берилган O'R-g № 0049027 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ООО "Узбеккоммуналлойихакурилиш" сообщает об уменьшении Уставного фонда от 390 819 622 сум до 371 872 610 сум. Справки по тел: 134-11-20

Информация о намерении приобретения пакета акций более 15% от уставного фонда.
Инвестор: "MS INTERTRADE LLP".
Эмитент и его адрес: "O'TA QATTIQ MATERIALLAR VA ASBOBLAR" ОАЖ г.Ташкент ул.-Бобура-73
Тип приобретаемых акций: акция простая именная безналичная. Количество акций, которые намерен приобрести инвестор — 6 420 штук, что составляет 98,00% от уставного фонда.

Навоий вилояти Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими жамғарманинг Конимех тумани бўлинмаси раиси Василя Қаршибаевага онаси

КЕНДЖЕБАЕВА

Қалампир аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда КОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисоблашмас эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Газета тарғиботи учун ҳажми 15 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 24 январь
4 (554)

17439 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-03 Топширилди — 22.30
2 3 4 5 6